

2015 йилнинг I чораги якунлари бўйича "Ўзкимёсаноат" ДАК корхоналари фаолияти тўғрисида

// 17.04.2015

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/2015-yilning-i-choragi-yakunlari-buyicha-uzkimyosanoat-dak-korxonalar-faoliyati-tugrisida>

2015 йилнинг январь-март ойларида "Ўзкимёсаноат" корхоналарида 518.9 млрд. сўмлик товар маҳсулот (ўсиш суръати 107,8%) ҳамда 42,8 млрд.сўмлик халқ истеъмол моллари (ўсиш суръати 108,4%) ишлаб чиқарилди.

Соф ҳолда 320,9 минг тонна минерал ўғитлар, шу жумладан 260,9 минг тонна азотли ўғитлар, 31,3 минг тонна фосфорли ўғитлар ва 28,7 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 2015 йил январь-март ойларида 48.9 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди (прогноз 30 млрд.сўм).

2015 йил Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни бажариш доирасида "Ўзкимёсаноат" ДАК корхоналари томонидан 4,55 млн.доллар ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилди ва прогноз 104,1%-га бажарилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада тузилган шартномаларга биноан 46 млрд. сўмлик маҳсулот компания корхоналари томонидан сотиб олинди (прогнозга нисбатан 100,3%).

91 янги иш ўрни, шу жумладан касаначилик асосида 16 иш ўрни яратилди.

Худудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятларидаги мавжуд техникалар ёрдамида қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2015 йил январь-март ойлари давомида 7012,5 млн.сўмлик агрокимёвий хизматлар кўрсатилди. Жумладан, 4126,9 млн.сўмлик 263,7 минг тонна компост тайёрланди ва сотилди, 192,5 минг тонна органик ва 139,4 минерал ўғитлар фермер хўжаликлари экин майдонларига етказиб берилди. 967,2 минг гектар галла майдонларида минерал ўғитлар сепилиб, суспензия тadbирлари ўтказилди.

"Ўзкимёсаноат" ДАК матбуот хизмати